

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 20

11.01.2022 й.

Андижон шаҳри

Андижон вилоят Гидрометеорология бошқармаси
қўйида "Истеъмолчи" деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари У. Махмудов ширкати шахсалигида бир томондан, иккинчи томондан "Андижон нефт базаси" масъулияти чекланган жамиятининг қўйида "Етказиб берувчи" деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор в.в.б Қ. Юсупов шахсалигида, ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида тузилди.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Етказиб берувчи", "Истеъмолчи"га нефт маҳсулотларини "Истеъмолчи"нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қўйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларининг тури	Ўлچовлик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда) Биржа савдопарчида аниқланган урғун нархда	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Автобензин АИ-80	0,34	10931816	3716817 ⁴⁴										
Автобензин АИ-91													
Автобензин АИ-95													
Дизель енгилтиси													
Дизель енгилтиси (ЖЗО)													
Ўчоқ енгилтиси													
ЖАМИ:													

1.2. "Истеъмолчи" маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан 3716817⁴⁴ (Ўз ширкати етти шў уюшти мени саккиз дўҳадаси) ташкил қилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранпортида, маҳсуле автотранпортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилди. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қўйиладиган барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирози йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қўйишга рухсат берилмайди.

2.2. "Истеъмолчи"да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун маҳсуле автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранпортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш "Маҳсулот етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Етказиб берувчи"нинг омборидан "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Истеъмолчи"нинг маҳсуле автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш "Хавфли юкларни ташиш қоидалари"га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси "Етказиб берувчи" нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари "Истеъмолчи"га "Етказиб берувчи"нинг маҳсуле транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш "Истеъмолчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Истеъмолчи"нинг омборида "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита "Истеъмолчи" вакилининг хоҳишига кўра "Етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари "Етказиб берувчи"га тегишли бўлган ёниги тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун "Истеъмолчи"нинг ишчиномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилги тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан ёниги тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. "Истеъмолчи" вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилди. Тарқатиш варақасида "Истеъмолчи"нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортарида етказиб берилганда, темир йўл нақлиётига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги "Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма"га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик "Истеъмолчи" зиммасига, маҳсулот маҳсуле автотранспортарида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортарида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги метрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш "Истеъмолчи"нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. "Етказиб берувчи" нефт маҳсулотлари таъминотининг узиллишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

3. ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. "Истеъмолчи" олаётган нефть маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан қамиди 5 кун олдин 100% миқдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотларини "Истеъмолчи"га биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландирган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини "Етказиб берувчи" тазмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташини билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти қорхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгариши шартнома бўйича етказиб бериладиган нефть маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» қорхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича "Истеъмолчи" "Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. "Истеъмолчи" нефть маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни қафолаб қўлади. Ҳар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёrlар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёrlари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортгани учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга асосан қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганлиқда жавобгарликка тортилмайди:

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, zilzila ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1.

9. ИМЗОЛАРНИ ҚУРИБ ЧИҚИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустакил ҳал эта олмайдиган масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусxada тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолагандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириди ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Номи: "Андижон нефть базаси" МЧЖ
Манзил: Андижон шаҳри Ахтачи sanoat
худуди А.Ашуров кўчаси №10-уй
Ташкилот у-н х/р: 22604000700285788702
АЁҚШлар у-н х/р: 22604000500285788701
ИНН: 200240109, МФО: 00432
Банк: "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Яшнаобод
фил. Телефон: (74) 291-11-22

Директор в.в.б.  Қ.Юсупов

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Номи: 
Манзили: 
х-р: 
Банк номи: 
МФО:  ИНН: 

Раҳбар: 

Ҳуқуқий хулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талабларига зид эмас.

Юристкаонсулт:  А.Ақбаров